

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ЮСУФОВА МУНИСА АЛИШЕР ҚИЗИ

ОНА ОРГАНИЗМИ ОРҚАЛИ БЕРИЛГАН ПЕСТИЦИДЛАРНИНГ
АВЛЮД АЁЛ БУЙРАК ТИЗИМИНИНГ ПОСТНАТАЛ
ТАРАҚҚИЁТИГА КЎРСАТАДИГАН ТАЪСИРИНИНГ
ҚОНУНИЯТЛАРИ

14.00.02 – Морфология

тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ-2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Юсуфова Муниса Алишер қизи

Она организми орқали берилган пестицидларнинг авлод аёл буйрак тизимининг постнатал таракқиётига кўрсатадиган таъсирининг қонуниятлари.....

Юсуфова Муниса Алишер қизи

Закономерности влияния пестицидов, передаваемых через материнский организм, на послеродовое развитие женской почечной системы потомства

Yusufova Munisa Alisher qizi

Laws of the effect of pesticides given through the mother's organism on the postnatal development of the offspring female kidney system.....

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ЮСУФОВА МУНИСА АЛИШЕР ҚИЗИ

ОНА ОРГАНИЗМИ ОРҚАЛИ БЕРИЛГАН ПЕСТИЦИДЛАРНИНГ
АВЛЮД АЁЛ БУЙРАК ТИЗИМИНИНГ ПОСТНАТАЛ
ТАРАҚҚИЁТИГА КЎРСАТАДИГАН ТАЪСИРИНИНГ
ҚОНУНИЯТЛАРИ

14.00.02 – Морфология

тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ-2025

Фалсафа доктори (Phd) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.2.PhD/Tib2648 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Хожаназарова Сауле Жубатировна
тиббиёт фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Расулов Ҳамидулла Абдуллаевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Хамракулова Муқаддас Аскарровна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

**Хожа Аҳмад Яссавий номидаги Халқаро
қозоқ-турк тиббиёт университети
(Қозоғистон Республикаси)**

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси хузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109, Тошкент ш. Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй, Тошкент тиббиёт академиясининг 10-ўқув биноси, 1-қават. Тел./факс: (+99871) 150-78-25, e-mail: info@tma.uz).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани Фаробий кўчаси 2-уй; Тошкент тиббиёт академиясининг 2-ўқув биноси «Б» корпуси, 1-қават, 7-хона. Тел./факс: (99871) 150-78-14).

Диссертация автореферати 2024 йил «___» _____ да тарқатилди.

(2024 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Г.И. Шайхова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.Ш. Алимухамедов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Р.Дж.Усманов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раис ўринбосари,
тиббиёт фанлари доктори, доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда кўпгина мамлакатларда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва унинг турли пестицидлар билан ифлосланишининг олдини олиш замонавий экология ва тиббиётнинг глобал муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг (ЖССТ) маълумотларига кўра, «...ҳар йили пестицидлар билан захарланиш ҳолатлари уч юз саксон беш миллионга яқин ҳолатни ташкил этмоқда...»¹. Бу захарланиш ҳолатлари ҳар йили дунё бўйича икки юзмингдан ортиқ инсоннинг ўлимига сабаб бўлмоқда. Эндокрин касалликлар, тери саратони, аллергия касалликлар, неврологик касалликлар, болаларда постнатал ривожланишдаги нуқсонлар ва репродуктив фаолият бузилишлари пестицидларнинг сурункали таъсири билан боғлиқлиги ҳақида далиллар ортиб бормоқда. Ўртача АҚШ давлатида бир йилда криптоген токсик моддалар билан захарланган ва оқибатда етарли анамнестик маълумотлар билан асосланмаган, ташхислаш имкони натижасида сурункали буйрак етишмовчилигининг номаълум этиологияли ўлим кўрсаткичи барча буйрак касалликларини 3,75% ни ташкил этиб, дунёда ўртача йилига 2,69 млн инсон бевақт оламдан ўтади. Шунинг учун замонавий пестицидларнинг буйрак аъзосига таъсир механизмларини ўрганиш замонавий тиббиётнинг муҳим муаммоли масалаларидан бири ҳисобланади.

Жаҳонда она организмига пестицидларнинг сурункали таъсири шароитида туғилган авлодда кузатиладиган салбий асоратларни олдини олишни такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирларнинг самарадорлигига эришиш бўйича қатор мақсадли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада пестицидларнинг постнатал онтогенезда буйрак аъзосининг ривожланишига салбий таъсир механизмини аниқлаш, авлоднинг постнатал ривожланишида пестицидларнинг зарарли таъсирини олдини олиш ва уларнинг асоратларини камайтириш бўйича чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқишга қаратилган илмий тадқиқотлар алоҳида илмий аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, соғлиқни сақлаш тизимини жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, соматик касалликларни эрта ташхислаш, даволаш ва асоратларини олдини олишга қаратилган муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг етти устувор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»² каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда репродуктив ёшдаги аёллар, ҳомиладор аёллар ва болаларга тиббий ёрдам кўрсатишнинг замонавий, юқори технологияли, ихтисослаштирилган

¹ Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумоти, 2021.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

тизимини янада такомиллаштириш юзасидан тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28-январдаги ПФ–60-сон «2022-2026-йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2017-йил 20-июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021-йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018-йил 18-декабридаги ПҚ-4063-сон «Юқумли бўлмаган касалликларнинг профилактикасини, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва аҳолини жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунёда ҳар йили пестицидлар билан захарланиш 1,37%га ошиб бормоқда, бу эса, ҳозирги пайтда озиқ овқат тақчиллиги муаммоси билан бир вақтда пестицидлар билан ишлов қилиш кўрсаткичини ошишини англатади. АҚШ олимларидан Sulik M. (2012) томонидан тайёрланган мақолада постнатал ва она қорни ичидаги даврда гербицид пестицидининг таъсирига учратилган, янги туғилган каламушлар буйрақларидаги ўзгаришларга 2,4-Д кислотанинг натрийли тузининг таъсирини ўрганган. Россия Федерацияси олимларидан Ямалова Г.Р. ва бошқалар (2021) маълумотлари бўйича, ўртача летал дозада β-циперметрин билан захарланганда оқ каламушларнинг ички органларидаги патоморфологик ўзгаришларга дипироксим, бромид натрий, пиридоксин ва диосмектитли феназепамлардан ташкил топган даволовчи композициянинг таъсирини ўрганиш бўйича тажрибалар келтириб ўтилган.

Ўзбекистонда замонавий пестицидларининг иммун, эндокрин, овқат хазм қилиш ва жинсий тизимлари органлари постнатал ривожланишига таъсири бўйича қатор олимлар (Қ.Р.Тўхтаев, 2014; А.М.Шахназаров, 2014; Н.Қ.Тухтаев, Н.Б.Зокирова, 2019; Т.А.Сағатов, 2019) томонидан тадқиқотлар олиб борилмоқда. П.И.Ташходжаев (1993), Т.И.Искандаров (1990, 2002), Г.Т.Искандарова (1998) ва М.А.Ҳамроқулова (2016) тадқиқотлари эса пиретроид пестицидлар билан ўткир ва сурункали захарланганда кузатиладиган токсикологик ва биокимёвий ўзгаришларга бағишланган, бироқ, Фипронил пестицидининг буйрак аъзосига таъсири ҳамда иммуногистокимёвий текширишлар ҳақида маълумотлар келтирилмаган.

Замонавий маҳаллий ва хорижий адабиёт манбааларида пестицидларнинг сурункали таъсири шароитида туғилган авлод буйрак аъзосининг илк постнатал даврда ривожланишининг морфофункционал ўзига

хос хусусиятларини комплекс баҳолашга қаратилган маълумотларнинг ноаниқлиги, бир-бирига зидлиги ва етарли даражада ўрганилмаганлиги ушбу йўналишдаги тадқиқотларнинг долзарблиги юқори даражада эканлигини тақозо этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган таълим уссасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №005.01.1500216 «Инсон ва тажриба ҳайвонлар организми ҳаёт фаолияти кўрсаткичларининг ҳар хил патологик омиллар таъсиридаги функционал, метаболик ва структур ўзгаришларнинг ўзига хослиги ва уларни коррекциялаш йўллари ҳамда эксперт баҳолашнинг янги имкониятлари» (2018-2023 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади сурункали пестицидлар фонида ривожланган хомиладорликдан туғилган авлод каламуш буйрақларининг постнатал ривожланиши ва шаклланишининг структур-функционал хусусиятларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

фипронил пиразол пестициди билан сурункали захарланган она каламушлардан туғилган авлодларда буйракнинг динамикадаги морфологик хусусиятларини баҳолаш;

фипронил пиразол пестициди билан сурункали захарланган она каламушлардан туғилган авлодларда буйракнинг динамикадаги морфометрик хусусиятларини баҳолаш;

фипронил пиразол пестициди ва топинамбур қўлланилган она каламушлардан туғилган авлод каламуш буйрақларининг динамикадаги морфологик ўзгаришларини баҳолаш;

фипронил пиразол пестициди ва топинамбур қўлланилган она каламушлардан туғилган авлод каламуш буйрақларининг динамикадаги морфометрик ўзгаришларини баҳолаш;

фипронил пиразол пестициди билан захарланган ва топинамбур қўлланилган она каламушлардан туғилган авлод каламуш буйрақларининг иммуногистокимёвий жихатларини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 160-200 грамм бўлган, илгари туғмаган, зотдор бўлмаган 66 та урғочи оқ каламушлар ва улардан туғилган жами 296 та (89 та назорат гуруҳи, 97 та 1-тажриба гуруҳи (фипронил), 110 та 2-тажриба гуруҳи(фипронил+топинамбур)) каламуш болалари олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида сурункали пестицидлар фонида туғилган авлод каламушлари буйрак тўқимасининг постнатал онотогенезидаги морфологияси, морфометрияси ва иммуногистокимёвий хусусиятларига хос тузилишларини таҳлил қилишга қаратилган материаллар олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда пестицидлар таъсирида туғилган авлод каламушларининг буйрак тўқималарини текшириш учун морфологик, морфометрик, иммуногистокимёвий ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

фипронил пестицид таъсирида туғилган авлодлар буйраklarининг постнатал онтогенезида буйракнинг асосий морфофункционал бирлиги бўлган нефронларнинг барча структур-функционал тузилмаларининг морфологик кўрсаткичлари назорат гуруҳига нисбатан постнатал онтогенез динамикасида 21-30-кунгача ривожланиш ва шаклланиш жараёнларининг орқада қолишига олиб келиши исботланган;

фипронил пестицидининг салбий таъсири шароитида туғилган авлод буйраklarининг пўстлоқ қавати нефронлари аксарият қон томирлар коптокчаларининг морфометрик кўрсаткичлари назорат гуруҳига нисбатан 2,4 баробар ҳажман кичиклиги, проксимал ва дистал каналчалар эпителий хужайраларининг морфологик етуклик кўрсаткичлари эса назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан 1,69 мартага орқада қолиши аниқланган;

фипронил пестициди таъсирида топинамбур биологик фаол кўшимчасини олган урғочи каламушлардан туғилган авлод буйраklarининг структур-функционал тузилмаларидаги постнатал ўсиши, ривожланиши ва шаклланишининг постнатал жараёнларига топинамбурнинг ижобий таъсири исботланган;

фипронил пестициди таъсирида топинамбурни қабул қилган урғочи каламушлардан туғилган авлодларда буйрак пўстлоқ қаватидаги нефронлар қон томирлар коптокчаларининг морфометрик кўрсаткичлари назорат гуруҳига нисбатан постнатал онтогенезнинг 7-14-кунларида 1,12 мартага кичиклашганлиги, проксимал ва дистал найчалар эпителий хужайраларининг морфологик етуклик кўрсаткичлари 1,05 мартага камайганлиги аниқланган;

фипронил пестициди билан сурункали захарланган авлоднинг буйраklarида PAX-2 специфик оксил маркери 21-30-кунларида паст позитив экспрессияланган бўлса, топинамбур таъсирида авлоднинг буйраklarида PAX-2 маркерининг юқори позитив экспрессияси ва коптокчаларнинг морфологик етуклиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тажриба шароитида она каламушларни Фипронил пестициди билан сурункали захарлаш орқали хомила ичи ривожланиш онтогенезида буйраklarнинг морфологик жихатдан ривожланишдан орқада қолиши исботланган;

хомиладорлик вақтида пестицидлар билан ишлаш натижасида, пестицидларни она танасида тўпланиши ва хомиланинг буйрак аъзосини морфологик ривожланишдан орқада қолишини инобатга олган ҳолда, хомиладорлик вақтида хомилани скрининг текширувларини мунтазам равишда амалга ошириш учун асос бўлади.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жихатдан тўғрилиги, тажриба ҳайвонлари сонининг етарли миқдорда танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган морфологик, морфометрик, иммуногистохимёвий ва статистик тадқиқот усуллар асосида Фипронил пеститсиди таъсири шароитида

туғилган авлодда буйрак тўқимасининг постнатал ривожланиши ва шаклланишининг структур хусусиятларини аниқлашнинг ўзига хослиги, натижаларнинг халқаро ва маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, хулоса ва олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, пестицидлардан бири бўлган Фипронилни ҳомиладорлик пайтида она каламушларга берилиши, туғилган авлод буйракларини морфологик жихатдан пўстлоқ ва мағиз қаватининг структур-функционал бирликларини ривожланишдан орқада қолиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Фипронил пестицидининг сурункали таъсири шароитида авлоднинг илк постнатал даврда буйрак тўқимасининг шаклланиши жараёнида аниқланган бузилишларнинг структур-функционал механизмлари болаларда буйрак этишмовлигини бартараф этишга йўналтирилган патогенетик профилактика ва даволаш усуллари ишлаб чиқиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Сурункали пестицидлар фонида ривожланган ҳомиладорликдан туғилган авлод каламуш буйракларининг постнатал ривожланиши ва шаклланишининг структур-функционал хусусиятларини аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

биринчи илмий янгилик: фипронил пестицид таъсирида туғилган авлодлар буйракларининг постнатал онтогенезида буйракнинг асосий морфофункционал бирлиги бўлган нефронларнинг барча структур-функционал тузилмаларининг морфологик кўрсаткичлари назорат гуруҳига нисбатан постнатал онтогенез динамикасида 21-30-кунгача ривожланиш ва шаклланиш жараёнларининг орқада қолишига олиб келиши исботланганлиги бўйича таклифлар Тошкент тиббиёт академияси Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 25 март 03/278-сон билан тасдиқланган «Пестицидлар таъсирида ривожланган ҳомиладорликдан туғилган авлод буйракларнинг постнатал ривожланиши онтогенезини морфологик ва морфометрик кўрсаткичларини баҳолаш» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Республика патологик анатомия маркази бўйича 28.03.2024 йилдаги 16/и-сон ҳамда Бухоро вилояти патологик анатомия бюроси бўйича 26.03.2024 йилдаги 30-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 25 сентябрдаги 06/76-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* фипронил пестициди таъсири шароитида туғилган авлод буйракларида юзага келадиган морфологик ўзгаришларни эрта ташхислаш болаларда буйрак касалликларини олдини олиш ва даволашнинг самарали усуллари ишлаб чиқиш учун асос бўлади. *Иқтисодий самарадорлиги:* она организми орқали пестицидларнинг сурункали таъсири натижасида авлод буйрагида юзага келадиган морфологик ўзгаришларни олдиндан кўра билиш ва эрта аниқлаш болаларда буйрак

патологияларини ташхислаш ва даволашга сарфланадиган маблағларни иқтисод қилиш имконини беради;

иккинчи илмий янгилик: фипронил пестицидининг салбий таъсири шароитида туғилган авлод буйракларининг пўстлоқ қавати нефронлари аксарият қон томирлар коптокчаларининг морфометрик кўрсаткичлари назорат гуруҳига нисбатан 2,4 баробар ҳажман кичиклиги, проксимал ва дистал каналчалар эпителий ҳужайраларининг морфологик етуклик кўрсаткичлари эса назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан 1,69 мартага орқада қолиши аниқланганлиги бўйича таклифлар Тошкент тиббиёт академияси Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 25 март 03/278-сон билан тасдиқланган «Пестицидлар таъсирида ривожланган ҳомиладорликдан туғилган авлод буйракларнинг постнатал ривожланиши онтогенезини морфологик ва морфометрик кўрсаткичларини баҳолаш» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Республика патологик анатомия маркази бўйича 28.03.2024 йилдаги 16/и-сон ҳамда Бухоро вилояти патологик анатомия бюроси бўйича 26.03.2024 йилдаги 30-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 25 сентябрдаги 06/76-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* фипронил пестициди таъсири шароитида туғилган авлод буйракларида юзага келадиган морфологик ўзгаришларни эрта ташхислаш болаларда буйрак касалликларини олдини олиш ва даволашнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш учун асос бўлади. *Иқтисодий самарадорлиги:* она организми орқали пестицидларнинг сурункали таъсири натижасида авлод буйрагида юзага келадиган морфологик ўзгаришларни олдиндан кўра билиш ва эрта аниқлаш болаларда буйрак патологияларини ташхислаш ва даволашга сарфланадиган маблағларни иқтисод қилиш имконини беради;

учинчи илмий янгилик: фипронил пестициди таъсирида топинамбур биологик фаол қўшимчасини олган урғочи каламушлардан туғилган авлод буйракларининг структур-функционал тузилмаларидаги постнатал ўсиши, ривожланиши ва шаклланишининг постнатал жараёнларига топинамбурнинг ижобий таъсири исботланганлиги бўйича таклифлар Тошкент тиббиёт академияси Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 25 март 03/278-сон билан тасдиқланган «Пестицидлар таъсирида ривожланган ҳомиладорликдан туғилган авлод буйракларнинг постнатал ривожланиши онтогенезини морфологик ва морфометрик кўрсаткичларини баҳолаш» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Республика патологик анатомия маркази бўйича 28.03.2024 йилдаги 16/и-сон ҳамда Бухоро вилояти патологик анатомия бюроси бўйича 26.03.2024 йилдаги 30-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 25 сентябрдаги 06/76-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* фипронил пестициди таъсири шароитида туғилган авлод буйракларида юзага келадиган морфологик ўзгаришларни эрта ташхислаш болаларда буйрак касалликларини олдини олиш ва даволашнинг самарали усулларини ишлаб

чиқиш учун асос бўлади. *Иқтисодий самарадорлиги:* она организми орқали пестицидларнинг сурункали таъсири натижасида авлод буйрагида юзага келадиган морфологик ўзгаришларни олдиндан кўра билиш ва эрта аниқлаш болаларда буйрак патологияларини ташхислаш ва даволашга сарфланадиган маблағларни иқтисод қилиш имконини беради;

тўртинчи илмий янгилик: фипронил пестициди таъсирида топинамбурни қабул қилган урғочи каламушлардан туғилган авлодларда буйрак пўстлоқ қаватидаги нефронлар қон томирлар коптокчаларининг морфометрик кўрсаткичлари назорат гуруҳига нисбатан постнатал онтогенезнинг 7-14-кунларида 1,12 мартага кичиклашганлиги, проксимал ва дистал найчалар эпителий хужайраларининг морфологик етуклик кўрсаткичлари 1,05 мартага камайганлиги аниқланганлиги бўйича таклифлар Тошкент тиббиёт академияси Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 25 март 03/278-сон билан тасдиқланган «Пестицидлар таъсирида ривожланган ҳомиладорликдан туғилган авлод буйракларнинг постнатал ривожланиши онтогенезини морфологик ва морфометрик кўрсаткичларини баҳолаш» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Республика патологик анатомия маркази бўйича 28.03.2024 йилдаги 16/и-сон ҳамда Бухоро вилояти патологик анатомия бюроси бўйича 26.03.2024 йилдаги 30-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 25 сентябрдаги 06/76-сон хулосаси).

Ижтимоий самарадорлиги: фипронил пестициди таъсири шароитида туғилган авлод буйракларида юзага келадиган морфологик ўзгаришларни эрта ташхислаш болаларда буйрак касалликларини олдини олиш ва даволашнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш учун асос бўлади. *Иқтисодий самарадорлиги:* она организми орқали пестицидларнинг сурункали таъсири натижасида авлод буйрагида юзага келадиган морфологик ўзгаришларни олдиндан кўра билиш ва эрта аниқлаш болаларда буйрак патологияларини ташхислаш ва даволашга сарфланадиган маблағларни иқтисод қилиш имконини беради;

бешинчи илмий янгилик: фипронил пестициди билан сурункали заҳарланган авлоднинг буйракларида РАХ-2 специфик оксил маркери 21-30-кунларида паст позитив экспрессияланган бўлса, топинамбур таъсирида авлоднинг буйракларида РАХ-2 маркерининг юқори позитив экспрессияси ва коптокчаларнинг морфологик етуклиги аниқланганлиги бўйича таклифлар Тошкент тиббиёт академияси Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 25 март 03/278-сон билан тасдиқланган «Пестицидлар таъсирида ривожланган ҳомиладорликдан туғилган авлод буйракларнинг постнатал ривожланиши онтогенезини морфологик ва морфометрик кўрсаткичларини баҳолаш» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Республика патологик анатомия маркази бўйича 28.03.2024 йилдаги 16/и-сон ҳамда Бухоро вилояти патологик анатомия бюроси бўйича 26.03.2024 йилдаги 30-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий

техник кенгашининг 2024 йил 25 сентябрдаги 06/76-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* фипронил пестициди таъсири шароитида туғилган авлод буйракларида юзага келадиган морфологик ўзгаришларни эрта ташхислаш болаларда буйрак касалликларини олдини олиш ва даволашнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш учун асос бўлади. *Иқтисодий самарадорлиги:* она организми орқали пестицидларнинг сурункали таъсири натижасида авлод буйрагида юзага келадиган морфологик ўзгаришларни олдиндан кўра билиш ва эрта аниқлаш болаларда буйрак патологияларини ташхислаш ва даволашга сарфланадиган маблағларни иқтисод қилиш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 илмий-амалий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 7 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 3 та мақола, жумладан, 2 таси республика ва 1 таси хорижий илмий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисми ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва заруратини асослашга, текшириш мақсади ва вазифалари, объект ва предметларини тавсифлашга бағишланган, тадқиқотнинг Республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Пестицидлар билан сурункали захарланган оналардан туғилган авлодларда динамикада буйракларнинг морфологик ўзига хосликлари**» деб номланган биринчи бобида мавзуга тегишли хорижий ва маҳаллий илмий манбалар таҳлили келтирилган. Мазкур муаммонинг ўз ечими топилиши лозим бўлган жиҳатлари белгиланган. Ҳозирги кунда пестицидлар билан сурункали захарланган оналардан дунёга келган авлодларда кузатилаётган ўзгаришлар, уларнинг таснифи ва янги текшириш усуллари қўлланиши натижаларига асосланган асосий муаммолар ёритилган ҳамда етарлича маълумотлар тизимлаштирилмаганлиги ҳамда ўрганилмаганлиги таъкидланган.

Диссертациянинг «Пестицидлар таъсирида ривожланган хомидорликдан туғилган авлод буйраklarининг постнатал онтогенезини морфологик ўзгаришларини баҳолашни материал ва усуллари» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотда қўлланилган материал ва услублар келтирилган. Тажрибалар вазни 160-200 г бўлган, жинсий етилган, илгари туғмаган, зотдор бўлмаган 66 та оқ урғочи каламушлар ва улардан туғилган жами 296 та (назорат гуруҳи – 89 та, Фипронил гуруҳи – 97 та, Фипронил+Топинамбур гуруҳи – 110 та) каламуш болаларида ўтказилди. Урғочи каламушлар оддий лаборатория рационини шароитида сақланди. Соматик ва юқумли касалликлар истисно этилгандан сўнг барча урғочи каламушлар уч гуруҳга ажратилди.

Биринчи гуруҳдаги каламушларга (назорат гуруҳи - 18) тенг миқдорда стерилланган физиологик эритма юборилди ва кузатув остига олинди.

Каламушларнинг иккинчи гуруҳига (Фипронил (1-тажриба) гуруҳи, 24 та) физиологик эритмада аралаштирилган фипронилни 0,97 мг/кг дозада ҳар куни зонддан фойдаланган ҳолда оғиз орқали юборилди, бу препарат ЛД50ининг 1/100 қисмига мос келади.

Каламушларнинг учинчи гуруҳига (Фипронил+Топинамбур (2-тажриба) гуруҳи, 24 та) оч қоринга физиологик эритмада аралаштирилган фипронилни 0,97 мг/кг дозада зонддан фойдаланган ҳолда оғиз орқали юборилди. Кейин каламушлар озиқлантирилгандан 2 соат ўтиб Топинамбур препаратини 250 мг/кг дозада зонддан фойдаланган ҳолда оғиз орқали юборилди.

Буйрак тўқимасининг постнатал ривожланиши ҳар учала гуруҳдан олинган авлодларда туғилганидан кейинги 3, 7, 14, 21, 30 ва 60 кунликларда ўрганилди. Барча тажриба ҳайвонларини сақлаш ва жонсизлантириш Ўзбекистон Республикаси этика қўмитаси рухсатномасига мувофиқ белгиланган талабларга қатъий амал қилган ҳолда бажарилди.

Тадқиқотларда морфологик, морфометрик, иммуногистохимёвий ва статистик таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Назорат ва тажриба гуруҳларидаги каламуш болалари туғилгандан кейинги 3, 7, 14, 21, 30 ва 60 кунликларда эрталаб, оч қоринга, енгил эфир наркози остида жонсизлантирилди. Морфологик текширувлар учун буйрак тўқимаси ажратиб олинди ва 10% ли нейтрал формалин эритмасида фиксация қилинди, сўнгра концентрацияси ошиб борувчи спиртларда сувсизлантирилиб, парафинга қуйилди. Депарафинлангандан сўнг гематоксилин ва эозин бўёғи билан бўялган кесмалар морфологик ва морфометрик усуллар ёрдамида ўрганилди.

Морфометрик текширувларни ўтказиш учун NanoZoomer (REF C13140-21.S/N000198/HAMAMATSU PHOTONICS /431-3196 JAPAN) Hamamatsu (QuPath-0.4.0, NanoZoomer Digital Pathology Image) морфометрик компютер дастуридан фойдаланилди.

Статистик услублар: маълумотлар Lenovo-COREi3 шахсий компютерида Microsoft Office Excel-2020 дастурий пакети ёрдамида статистик қайта ишланди.

Диссертациянинг « **Фипронил пестициди таъсирида буйракнинг морфологик, морфометрик ўзгаришлари ва бу ўзгаришларни топинамбур ёрдамида коррекция қилиш** » деб номланган учинчи бобида илк постнатал ривожланиш динамикасида назорат ва тажриба гуруҳи каламуш болалари буйрак тўқимасининг морфологик ва морфометрик хусусиятлари очиб берилган.

Назорат гуруҳидаги каламушлар буйраги юзаси силлик, ловиясимон кўринишда, қизил-жигар рангда бўлиб, юзасининг бўлакчали кўриниши суст шаклланган. Юзаси зич фиброз капсула билан қопланган. Кесимда буйрак тўқимаси пўстлоқ ва мағиз қаватларидан иборат. Микроскопик текширилганда пўстлоқ қавати бир хил қалинликдаги бириктирувчи тўқимали капсуладан иборат.

1-тажриба гуруҳидаги яъни Фипронил пестициди таъсири шароитида туғилган 3 кунлик авлод буйракларнинг функционал бирлигини маркази бўлган коптокчаларнинг ривожланиш муддатидан орқада қолганлигини ва пўстлоқ қаватида ҳали эмбрионал ҳужайраларнинг сақланиб турганлигини кўрсатади.


Пўстлоқ қават соҳасидаги коптокчаларнинг ҳар хил шаклда бўлиши ва эпителий ҳужайраларининг чўзинчоқ ноксимон шаклда бўлиши, ҳали таккомил топиш даврида бўлганлиги, Шумлянский Боумен капсуласи базал мембранасининг сийрак толали қалинлашган кўриниши ҳали эмбрионал даврга хос тузилишни эслатади. Пўстлоқ қават томчи кўринишидаги буйрак коптокчаларининг субкапсуляр соҳаларда ҳали тўлиқ шаклланмаганлиги ва улардан бошланган проксимал каналчаларнинг эпителийлари баланд, цитоплазмаси тўқ базофил бўялганлиги аниқланади. Улардан тарқалган проксимал ва дистал найчаларнинг охири аниқланмасдан охири жуда майдалашган ҳали тўлиқ шаклланмаганлиги аниқланди.

Айнан субкапсуляр жойлашган нефроген тўқима таркибидаги ҳали тўлиқ шаклланмаган коптокчаларнинг эпителий ҳужайралари йирик полигонал, ядролари йирик, ядро цитоплазматик индекси етилган эпителийларга нисбатан катта, цитоплазмаси тўқ базофил бўялганлиги ҳали дифференциалланиш жараёни давом этаётганлигини кўрсатувчи морфологик субстратлардан бири ҳисобланади (Н.А. Леонов 2007). Коптокчаларнинг париетал варағида жойлашган эпителийларнинг шакли баланд ярим цилиндрик шаклда бўлиб, цитоплазмаси тўқ базофил, йирик юмалоқ ядролардан ташкил топганлиги аниқланади (1-расмга қаранг).


7 кунликда, пестицидлар фонида туғилган авлод буйракларининг морфологик жиҳатлари худди 3 кунликдаги манзара кўринишида сақланганлиги аниқланди. Асосий тамойилларидан бири, пўстлоқ қаватдаги коптокчаларнинг шаклан сақланиб турганлиги, эмбрионал даврдаги коптокчалар кўринишида бўлиши, коптокчаларни таркибий қисми бўлган париетал ва висцерал эпителий ҳужайралари ясси эмас, балки цилиндрик бўлиб, аксарияти, ярим коптокча кўринишида аниқланади. Шумлянский Боумен капсуласини бўшлиғи тўлиқ шаклланмаган ва гиперхужайралари кўринишда. Коптокча бўшлиғи ажойиб тўр томирлари юзасидаги подоцитлар

майда ва ядролари тўқ бўялган бўлиб, аксарият ҳали шаклланмаган кўринишда.

Проксимал каналча бўшлиқлари жуда тор ва бирламчи сийдик излари аниқланмади. Шу билан бирга, проксимал найча эпителийлари ҳали оч бўялган цитоплазмали кўринишда бўлиб, аксарият коптокчалардан кейинги қаторда аниқланади. Генли қовузлоғи ясси эпителийларида кескин ўзгаришлар аниқланмади. Пўстлоқ ва мағиз қаватлари оралиғида ёйсимон артерия ва вена тармоқлари кам қонли кўринишда бўлиб, текстураси ноаниқ (2-расмга қаранг).



1-расм. Фипронил пестициди билан сурункали заҳарланган оналардан туғилган каламуш болалари постнатал ҳаётининг 3-кундаги буйракларининг морфологик ҳолати. Пўстлоқ қаватида коптокчалари шаклланмаган, Шумлянский Боумен капсуласи париетал ва висцерал эпителийлари баланд цитоплазмали кўринишда (1), “ажойиб тўр” капилярлари ҳали шаклланмаган. Г.-Е. 20x10.




2-расм. Фипронил пестициди билан сурункали заҳарланган оналардан туғилган каламуш болалари постнатал ҳаётининг 7-кундаги буйракларининг морфологик ҳолати. Пўстлоқ қаватидаги Шумлянский Боумен капсуласи шакли нотўғри кўринишда (1), коптокчалар аксарияти ҳали эмбрионал хужайралардан ташкил топган. (2). Г.-Е. 40x10.


14 кунликда, буйракларнинг микроскопик жихатдан пўстлоқ ва мағиз қаватлари чегаралари аниқ, пўстлоқ қаватидаги коптокчаларнинг шаклан найсимон ва ноксимон кўриниши айнан субкапсуляр соҳаларда аниқланади. (5- ва 6-расмларга қаранг). 14 кунликда фипронил таъсирида ривожланган буйракнинг морфофункционал майдонларини микроскопик жихатларидан яна бири, бу умумий кўриш майдонида коптокчаларнинг мағиз қаватига қараб ўсиб миграцияланганлиги бўлиб, асосан, тўлиқ шаклланган коптокчаларгина пўстлоқ қаватини мағиз қавати чегарасигача бўлган соҳаларда жойлашганлиги аниқланади. 100 марта катталиштирилган ўлчамда, буйраларнинг пўстлоқ қавати 3/1 қисмидаги коптокчаларнинг аксарияти ҳали шаклланиш даврида, 3/1 қисми ҳали шаклланмаган бўлиб, субкапсуляр соҳаларда қаторли кўринишда жойлашганлиги аниқланди (3-расмга қаранг).

21 кунлик даврида фипронил пестициди таъсири шароитида туғилган авлод каламушлари буйракларнинг капсуласи ҳар хил қалинликда бўлиб, қон

томирларида нотекис тўлақонлик манзараси, субкапсуляр соҳалардаги найчаларнинг цитоплазмасида тўқ эозинофил киритмаларнинг кўпайганлиги, метаболизм жараёнида моддалар алмашинувини секинлашганлигини кўрсатади. Аксарият, коптокчаларнинг шакли овалсимон кўринишда бўлиб, коптокчаларнинг бир бирига яқин жойлашганлиги, проксимал найчаларнинг цитоплазмасида гипереозинифил таначаларнинг кўпайганлиги аниқланди. Коптокчалар бўшлиқлари ҳар хил даражада кенгайган, ажойиб тўр тузилмаларида гиперхром бўялган ядроли ҳужайраларнинг кўплиги, капиллярлар тўрида нотекис тўлақонлик манзараси аниқланди (4-расмга қаранг).



3-расм. Фипронил пестициди билан сурункали захарланган оналардан туғилган каламуш болалари постнатал ҳаётининг 14-кундаги буйракларининг морфологик ҳолати. Пўстлоқ қавати субвисцерал жойлашган коптокчаларнинг шакли овалсимон кўринишда (1) бўлиб, кўриш майдонидаги коптокчаларнинг 3/2 қисми ҳали шаклланиш даврида (2). G.-E. 10x10.




4-расм. Фипронил пестициди билан сурункали захарланган оналардан туғилган каламуш болалари постнатал ҳаётининг 21-кундаги буйракларининг морфологик ҳолати. Пўстлоқ қаватидаги коптокчалар аксарияти энди мағиз қават периметри бўйлаб тарқалаётганлиги (1), морфофункционал фаол тузилмаларининг оралиқлари нисбатан кенгайган бўлиб, проксимал найчалар оралиғидаги масофалари узоклашган (2). G.-E. 10x10.


30 кунликда буйракларда морфологик шаклланишнинг белгилари мавжуд бўлсада: коптокчаларнинг мағиз қават бўйлаб тарқоқ жойлашиши, 200x кўриш майдонидаги коптокчаларнинг аксарияти юмалоқ шаклда бўлишига қарамасдан, умумий коптокчаларнинг 3/1 қисмида ҳажман кичик ва шакли овалсимон ва узунчоқлиги сақланган (5-расмга қаранг). 40x катталиқда проксимал ва дистал найчаларнинг кичик ҳажмли кўриниши сақланган, бу эса, фипронил таъсирида ривожланган ҳомиладорликдан туғилган авлод каламушлари буйракларининг постнатал ривожланиш онтогенези жараёни тўлиқ амалга ошмаганлиги, ҳалигача эмбрионал ҳужайраларнинг коптокчалар ва найчаларда сақланиб қолганлиги, найчаларнинг бўшлиқлари тўлиқ очилмаганлиги билан характерланади.

60-кунида буйраklarнинг юзаси силлиқ, бўлакчали кўриниши камайган. Морфологик жиҳатдан капсуласи деярли бир хил қалинликда, субкапсуляр жойлашган найчаларнинг траекторияси бир хил кўринишда, вертикал текисликда гиперхужайрали кўриниши сақланган.

Пўстлоқ қавати коптокчалари нисбатан шаклланиб, периметрга қараб силжиган. Шаклланган коптокчалар диаметри катта, проксимал найчалар бўшлиғи кенгайган, бўшлиғида гомоген оксил тузилмалари бўлган бирламчи сийдик излари аниқланади. Пўстлоқ ва мағиз қавати оралиғидаги ёйсимон артерия тармоқлари ўртача тўлаликда. Аксарият, мағиз қавати найчалари ёйсимон кўринишда бўлиб, ора-ора шаклланмаган коптокчалардан тарқалган дистал найчаларнинг хужайралари жуда майда ва умумий фонда кўп хужайрали кўриниши касб этган. (6-расмга қаранг). Перитубуляр қон томирларнинг кескин тўлақонлиги аниқланмайди. Буйраklarнинг коса ва жомралари юзаси эпителийларида кескин ўзгаришлар аниқланмайди.



5-расм. Фипронил пестициди билан сурункали захарланган оналардан туғилган каламуш болалари постнатал ҳаётининг 30-кунидаги буйраklarнинг морфологик ҳолати. Пўстлоқ қаватидаги коптокчалар ҳар хил масофада жойлашган (1), коптокча-ларнинг 3/1 қисми ҳали шаклланмаган (2), проксимал найчалар траекторияси нотекис кўринишда. G.-E. 10x10.



6-расм. Фипронил пестициди билан сурункали захарланган оналардан туғилган каламуш болалари постнатал ҳаётининг 60-кунидаги буйраklarнинг морфологик ҳолати. Пўстлоқ қаватида ҳали шаклланмаган коптокчалар аниқланади (1), проксимал найчаларнинг гиперхужайрали кўриниши аксарият шаклланмаган коптокчалар атрофида аниқланади (2). G.-E. 40x10.

Фипронил пестициди билан захарланган ва озиклантирилгандан 2 соатдан сўнг топинамбур кукини берилган она каламушлардан туғилган авлодларни 3, 7, 14, 21, 30 ва 60 кунлик даврида декапитация қилинди ва буйраklarидан тайёрланган микронамуналар ўрганилди.

Олинган натижалар бўйича, морфологик жиҳатдан қуйидаги ўзгаришлар аниқланди:

3-кунлик авлод каламушлари буйраklари макроскопик жиҳатдан бўлакчали кўринишда, юзаси силлиқ, кесимида пўстлоқ ва мағиз қаватлари чегаралари аниқ. Кескин тўлақонлик белгилари аниқланмади. Микроскопик жиҳатдан ўрганилганда, буйраklarнинг фиброз капсуласи бир хил одатдаги

қалинликда, томирлари ўртача тўлаликда эканлиги аниқланди. Буйрақларнинг пўстлоқ қавати аксарият кўриш майдони 4/3 қисмини проксимал ва дистал найчалар ташкил этганлиги аниқланди. Коптокчаларда эмбрионал хужайраларнинг умумий фонда, аниқланиши жуда кам сонли бўлиб, 200 кўриш майдонида, ўртача коптокчалар паритетал хужайраларининг 5/1 қисмини ташкил этади. Пўстлоқ остида субкапсуляр коптокчаларнинг кичик ҳажмдаги, томчи кўринишида, Шумлянский Боумен капсуласида базофил цитоплазмали баланд хужайрали эпителийлардан тузилганлиги ва ажойиб тўрда ҳали тўлиқ шаклланмаган мезангиал хужайралар юмалоқ ядроли, эозинофил ядроли хужайралардан иборатлиги аниқланди.

7 кунлик авлод каламушлари буйрақларида макроскопик жиҳатдан бўлакчали кўриниши сақланган, юзаси силлиқ, кесимида пўстлоқ ва мағиз қаватлари чегаралари аниқ. Микроскопик жиҳатдан, буйрақларнинг фиброз капсуласи одатдаги қалинликда, томирларида ўртача тўлақонлик аниқланди.

Буйрақларнинг субкапсуляр соҳасида кам сонли субкапсуляр коптокчалар аниқланди, коптокчаларнинг аксарияти юмалоқ шаклда бўлиб, шаклланганлик белгиси сифатида қабул қилинади (эслатиб ўтамиз, назорат гуруҳида ҳам худди шу кўринишдаги морфологик белгилар шу муддат бўйича намоён бўлганлиги изоҳланади). Аксарият коптокчаларнинг юқори қисми Шумлянский Боумен бўшлиғида яримойсион бўшлиқ бўлиб, бу каби морфологик белгилар буйрақларда морфофункционал жиҳатдан фильтрация жараёни кечаётганлигини тасдиқлайди. Пўстлоқ соҳасида аксарият проксимал найчаларнинг коптокчалардан фильтрацияланган бирламчи сийдик изларининг бир хил гомоген оқсилга бой тузилмаларини излари яққол сақланганлиги аниқланади. Бу эса, гомоген тўрсимон тузилмалар кўринишида бирламчи сийдикни назорат гуруҳидаги ўзгаришлар билан таққослаганда жуда яқинлигини кўрсатади.

14 кунлик авлод каламушлари буйрақларида макроскопик жиҳатдан юзаси силлиқ, кесимида пўстлоқ ва мағиз қаватлари чегаралари аниқ. Микроскопик текширишда, буйрақларнинг фиброз капсуласи одатдаги қалинликда, томирларида ўртача тўлақонлик аниқланди. Буйрақлар тўқимасининг субкапсуляр соҳасида горизонтал жойлашган зич жойлашган юмалоқ шаклдаги коптокчаларнинг нисбатан пўстлоқ қаватнинг ўрта медиана бўйлаб кўплаб жойлашган коптокчалар аниқланди.

Буйрақларнинг пўстлоқ қавати 4/2 қисмини проксимал ва дистал найчалар ташкил этса, 4/2 қисмини коптокчалар ташкил этганлиги аниқланди. Аксарият коптокчалар Боумен бўшлиқлари кенгайган ва бу морфофункционал жиҳатдан, фильтрация жараёни фаоллашганлигини кўрсатади.

Демак, 14 кунлик даврида, буйрақларда морфологик жиҳатдан етилганлик белгилари бўлган, коптокчаларнинг юмалоқ шаклда бўлиши, пўстлоқ қаватининг барча соҳаларида коптокчаларнинг аниқланиши, коптокчалар таркибидаги ажойиб тўр капиллярларининг шаклланганлиги, капилляр тармоқларининг раво ва текис бўлиши, коптокчалар юқори

соҳасида яримойсимон бўшлиқларнинг бўлиши, морфофункционал жиҳатдан фильтрация жараёни кечаётганлигини тасдиқлайди.

30 кунлик Топинамбур ва Фипронил пестициди билан озиклантирилган авлод каламушлари буйракларининг субкапсуляр соҳасида кам сонли асосан, пўстлоқ қавати бўйлаб тарқоқ жойлашган шакли тўлиқ морфологик жиҳатдан етилган юмалоқ шаклдаги коптокчалардан иборат. Коптокчалар шаклан бир хил катталиқда, кўп хужайрали кўринишда, базал мембранаси бир хил қалинлиқда, парабазал жойлашган хужайралар ясси кўринишда, чегаралари аниқлиги билан характерланади. Проксимал ва дистал найчаларнинг ҳажми ва шакли, хужайравий таркиби ва морфологик кўринишидан, назорат гуруҳи каламушлари буйраги билан бир хил кўринишда бўлиб, барча найчаларнинг бўшлиғи очилган. Коптокчалар ажойиб тўри капиллярлари, яққол тасвирланган мезангиал хужайралар йирик кўринишда, подоцитлар ажойиб юзасини қоплаганлиги, йирик ядроли базофил бўялганлиги билан жиҳатланади. Ажойиб тўр тармоқлари оралиғида мезангиал хужайраларнинг асосан марказда жойлашганлиги, Шумлянский Боумен бўшлиғи бир хил кенглиқда, проксимал найчаларнинг бошланғич қисмлари бўшлиқлари бир хил кенглиқдалиги аниқланди. Коптокчаларнинг париетал ва висцерал варақ эпителийлари морфологик жиҳатдан етилган, ядро цитоплазматик индекси назорат гуруҳи билан бир хил кўринишда, коптокчалар периметри бўйлаб траекторияси бир хил текис бўлиб, базал қават чегаралари аниқ тасвирланган.

60 кунлик даврида Топинамбур ва Фипронил билан озиклантирилган авлод каламушлари буйракларининг субкапсуляр соҳасида коптокчалар кам сонли аниқланиб, аксарияти пўстлоқ қаватнинг ўрта соҳасида тарқоқ жойлашган. Пўстлоқ қавати бўйлаб жойлашган коптокчалар шакли тўлиқ морфологик жиҳатдан шаклланган, юмалоқ кўринишда. Коптокчалар аксарияти бир хил катталиқда, чегаралари аниқлиги билан характерланади.

